

А. Матрузиев

## ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақлада валюта муносабатларини тартибга солиш масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, мазкур муносабатларни тартибга солишда валюта интервенцияси масалалари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, валюта курси, миллий валюта, инқироз, инвестиция, экспорт, валюта муносабатлари, барқарор бозор, ихтисослашув, иқтисодий ўсish.

*In article, theoretical bases of the regulation of currency relations are researched as well as, in regulation following the problems of currency intervention are analyzed.*

**Ключевые слова:** экономика, валюта, курс валюты, национальная валюта, кризис, инвестиция, экспорт, валютные отношения, стабильность, рынок денег, специализация, экономический рост.

*In article, theoretical bases of the regulation of currency relations are researched as well as, in regulation following the problems of currency intervention are analyzed.*

**Key words:** economy, currency, rate of currency, national currency, crisis, investment, export, currency attitudes (relations), stability, market of money, specialization, economic growth.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтгани миллий валютани харид қилиш ва айирбошлаш қувватини ошириш билан бирга хорижий давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний субъектларининг инвестицияларини жалб этиш ва улардан тежамли ва самарали фойдаланишнинг ноанъавий усулларини қўллаш асосида умумиқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини оширишни янги шаклларини бозор талабларига эркин рақобатга жавоб бера оладиган даражада татбиқ этиш масалаларини қўйилган қўймоқда.

Валюта муносабатларининг давомли иқтисодий инқироздан холи бўлиши ҳақида ривожланиши кўп омилларга боғлиқдир. Иқтисодий муносабатлар ривожланишини таъминловчи омиллардан бири бўлган моддий рақобатлантириш тизимини ўсиб бориши валюта муносабатлари барқарорлигини таъминлайди.

Валюта муносабатларининг эркин бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиши ва бозор иқтисодиёти қонунлари талаби асосида такомиллашиб бориши янги иқтисодий механизмни қўлланишига боғлиқ.

Валюта муносабатларининг ҳолати жаҳон ва миллий иқтисодиётни ривожланиш даражасига, шаклланаётган сиёсий шароитга, жаҳон ҳамжамияти аъзолари бўлган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кучларини нисбатларига, улар ўртасида ташкил топган иқтисодий муносабатларга боғлиқ.

Валюта ва валюта муносабатларини тартибга солиш шартлари ва усуллари бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида турли иқтисодий қарашлар мавжуд бўлиб, ягона илмий ва амалий жиҳатдан талабга жавоб берадиган фикр йўқ эмас, хато қилмаган бўламиз. Жумладан, иқтисодчилардан А.Б. Вахобов, Н.К. Худяковалар ҳар қандай миллий валюта тизими халқаро валюта тизимининг бир қисми бўлиб, валюта миллий пул бирлиги ва хорижий пул бирлиги ҳамдир, деб ҳисоблайди[1].

«Валюта» ва «пул» бир-бирларини ўрнини босадиган тушунчалар бўлиб, аниқ бир мамлакатда пул ундан ташқарида эса валюта ҳисобланади. Валюта муносабатлари эса — умумлашган иқтисодий ва молиявий муносабатлар бўлиб, валюта ҳаракатида ташкил топади, дейди Г.Л.Авагян ва Ю.Г.Вешкин[2].

Валюта курси — бу миллий валюта баҳосини хорижий валютада ифodalаниши бўлиб, халқаро валюта тизимининг бир қисми сифатида халқаро валюта муносабатларига асосланади. Валютанинг моҳияти ва алмашув қиймати, тизими, таркиби, миллий валюта тизими, валюта-кредит муносабатлари бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида ягона илмий асосланган фикр йўқ, деса бўлади. Айрим иқтисодчилар таърифи бўйича: «... ҳар қандай товар валюта бўлиб халқаро даражада пул вазифасини бажаради ва у миллий қонуний тўлов воситаси сифатида ва хорижий тўлов воситаси бўлиб фойдаланилади»[3].

Ҳар қандай миллий пул бирлиги валюта ҳисобланиб, жаҳон пули вазифасини бажаради. Айрим олимлар иқтисодий ва молиявий муносабатларни валюта фаоллиги асосида ташкил топишига валюта муносабатлари[4] деб атайди.

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан валюта муносабатларини тартибга солишни ўрганиш асосида қуйидагиларга, яъни:

— валюта ресурсларига асосланган валюта операцияларини амалга оширишда қатнашадиган ҳуқуқий субъектлар бўлган хусусий корхоналар ўртасида валюта муносабатларини миллий ва халқаро банклар томонидан тартибга солишга;

— валютани ва валюта муносабатларини тартибга солишда молия вазирлиги ва марказий банк орқали амалга оширилишига;

— давлатлар ўртасида бўладиган валюта муносабатларини тартибга солиш механизмларига эътибор бериш зарур[5].

Биз юқоридаги манбада валюта ресурсларига асосланган валюта муносабатларини тартибга солиш бўйича берилган тақлифларга тўлиқ қўшила олмаймиз. Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат:

— хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги корхоналарнинг валюта муносабатларини маълум даражада тижорат банклари томонидан амалга оширилса, уни тўлиқ назорат қилиш имконияти бўлмайди;

— валюта муносабатларини амалга оширувчи жисмоний ва ҳуқуқий субъектларининг иқтисодий фаолиятларини тўлиқ давлат иқтисодиётини бошқарув ташкилотлари томонидан назорат қилиниши керак деб ҳисоблаймиз.

Валюта муносабатларини назорат қилишни амалга ошириш учун валюта муносабатларини либерализация қилиш мамлакатнинг ички ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган валюта сиёсатига ва у билан боғлиқ бўлган меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришга боғлиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Айрим иқтисодчилар гуруҳи томонидан валюта муносабатларини тартибга солишда валюта интервенциясидан фойдаланиш тақлиф этилган. Улар иқтисодни ривожланишининг пасайиши ташқи савдо балансида дефицит миқдорини ўсишига ва миллий валютанинг алмашув курсига нисба-

тан таъсирини ўсишига олиб келади дейди ва бундай иқтисодий ҳолатда ҳукумат ва Марказий банк валюта интервенциясидан фойдаланиши зарур, деб ҳисоблайди[6].


Н.Х.Жумаев ўзининг «Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш» монографиясида Марказий банкнинг келишилган ҳолда интервенцияни амалга ошириш хусусидаги таклифи Ўзбекистон Республикасида қўллаш нуқтаи назаридан амалий аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, 2006 йил январь ойида Ўзбекистон ЕвроОСИХ иқтисодий ҳамжамиятига (ЕвроОСИХ) аъзо бўлди. Бу эса ЕвроОСИХ доирасидаги иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашишига имкон яратади. Ўз навбатида, интеграция жараёнларининг чуқурлашиши ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий валюта курсларининг барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради. Бу вазифани бажариш Марказий банкни валюта интервенциясидан фаол тарзда фойдаланишга мажбур қилади, деб ҳисоблайди олим[7].

Биз бу фикрга қўшилган ҳолда валюта интервенцияси орқали валюта муносабатларини такомиллаштиришда миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни валюта тариқасида эмас, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техника ва технологиялар тариқасида жалб қилиш мақсадга тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида валюта муносабатларининг шаклланиши, унинг мазмуни ва вазифаси бўйича берилган илмий таърифларини ўрганиш асосида валюта муносабатларини қуйидагича таърифладик: Валюта муносабатлари иқтисодий категория сифатида умумиқтисодий муносабатлар шаклланишининг асосий босқичларидан бўлиб, мамлакат молиявий муносабатларининг самарали ривожланишини таъминлайди.

Валюта муносабатлари халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига хизмат қилади (1-чизма).

1-чизма



Мамлакат иқтисодиёти ривожланишини валюта бозорисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Валюта муносабатларини халқаро иқтисодиёт тизимида амалга оширилиши қандай шаклда бўлишидан қатъи назар ишлаб чиқариш жараёнида у товар шаклида ҳосил бўлиши билан бирга тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнида давом этади.

Валюта муносабатлари такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, унинг иқтисодий натижалари ишлаб чиқарилган товарларда, субъектларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларда, жалб қилинаётган валюта, товар ва инновацияларда ифодаланади.

Хулоса қилиб айтсак, бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни либераллашуви натижасида халқаро меҳнат тақсимотининг тартибланиши, халқаро иқтисодий муносабатларнинг миллий иқтисодиёт муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳолда кучайиши валюта муносабатларининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиб боради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Международные валютно-кредитные отношения. — Т.: 2003. — 275 с.
2. Авагян Г.Л., Вешкин Ю.Г. Международные валютно-кредитные отношения. — М.: Экономист, 2007. — С. 61.
3. Экономическая теория. — М.: Проспект, 1998. — С. 413.
4. Валютное регулирование в системе государственного управления. — М.: Экономика, 2003. — С. 60.
5. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Под. ред. Красавина Л.Н. — М.: Финансы и статистика, 2001. — С. 181-183.
6. Энг М.В., Лис Ф.А., Майер Л.Дж. Мировые финансы. Пер. с английского. — М.: ДЕКА, 1998. — С. 102-103.
7. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. — Т.: FAN va TECHNOLOGIYA, 2007. — 20 б.